



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамова Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз далаат педагогика институти

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети


1. Зайнаб Абидова ХОРАЗМ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛЛАНИШИ ВА МЕЪМОРИЙ ТУЗИЛИШИ.....	4
2. Гулзода Алимова АЛИШЕР НАВОЙИ АСАРЛАРИНИНГ ТАРИХНАВИСЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	11
3. Дилорам Бабажанова АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ – ЎРТА АСР БУЮК ДАҲОСИНИНГ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ МАЪНАВИЙ ТАФАККУРИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЎРНИ.....	18
4. Iqbol Jabbarova QASHQADARYO VOHASIDA IRRIGATSIYA INSHOOTLARI QURILISHI, YERLARNING SUG‘ORILISHI TARIXI.....	26
5. Дилнавоз Рахматова “ПАХТА ИШИ” СИЁСАТИДА ҚЎШИБ ЁЗИШ ОПЕРАЦИЯСИ СЦЕНАРИЙСИ.....	33
6. Сохиба Сулайманова СУҒД ВОҲАСИДА ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ БОШҚАРУВИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН УСУЛЛАР.....	38
7. Икромжон Умаров СУРҲОН ВОҲАСИДА РУС КАПИТАЛИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.....	45
8. Акмал Менглибоев СУРҲОНДАРЁ ОКРУГИДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИ ТЎХТАТИШ УЧУН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЧОРАЛАР.....	65
9. Firyuza Muxitdinova DUNYO OLIMLAR TANLILIDA ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR ILMIY MEROSINING O‘RGANGANLIK HOLATI VA AHAMIYATI.....	76
10. Нигина Султонова БУХОРО МИЛЛИЙ ЛИБОСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ.....	83
11. Одилжон Хамидов БАКТРИЯ САТРАПЛИГИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЁРИТИЛИШИ.....	89
12. Nodira Hasanova SO‘NGGI O‘RTA ASRLARDA O‘RTA OSIYODA HUNARMANDCHILIK MARKAZLARINING TAKOMILLASHTIRILISHI.....	95



Нигина Шералиевна Султонова,
Бухоро давлат музей-кўриқхонаси
илмий ходими

БУХОРО МИЛЛИЙ ЛИБОСНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

For citation: Nigina Sh. Sultonova. THE HISTORY OF THE FORMATION OF THE BUKHARA NATIONAL COSTUME. Look to the past. 2023, vol. 6, issue 8, pp.83-88

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8217942>

АННОТАЦИЯ

Моддий маданиятнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган миллий либосларнинг тарихини ўрганиш анъанавий либосларининг эволюциясига таъсир кўрсатган омилларни кўрсатади. Моддий маданиятнинг асл дурдоналаридан бири ҳисобланган миллий либослар мажмуини теран англаш ва уларнинг асл намуналарини қайта тиклаш ўрганилган давр ҳақида янада тўлароқ маълумот олишга асос бўлиб хизмат қилади. Тарихий-маданий объект сифатида анъанавий либослар бирор-бир элат тарихига бориб тақаладиган анъаналар, ижтимоий муносабатлар, маърифий, диний ва эстетик шаклларнинг айрим унсурларини ўзида намоён этиб, ҳар бир халқнинг маданияти, турмуш тарзини акс эттиради. Мақолада либосларнинг тарихий эволюцияси кўриб чиқилди.

Калит сўзлар: либос, урф-одат, кўйлак, маҳаллий мато, тақинчок, тикув машинкаси.

Нигина Шералиевна Султонова,
Научный сотрудник
Бухарского государственного музея-заповедника

ИСТОРИЯ СТАНОВЛЕНИЯ БУХАРСКОГО НАЦИОНАЛЬНОГО КОСТЮМА

АННОТАЦИЯ

Изучение истории национального костюма, являющегося важным компонентом материальной культуры, отражает факторы, имевшие влияние на развитие традиционного костюма. Разностороннее изучение национального костюма, являющегося одним из подлинных шедевров материальной культуры, и реставрация их оригинальных образцов послужат основой для получения более полной информации об изучаемой эпохе существования костюма. Как историко-культурный объект, традиционный костюм отражает культуру, образ жизни каждого народа, проявляя в себе некоторые элементы традиций, социальных отношений, образовательных, религиозных и эстетических форм народа. В данной статье автором рассматривается историческая эволюция женских платьев.

Ключевые слова: платье, традиция, рубашка, местная ткань, ювелирные изделия, швейная машина

Nigina Sh. Sultonova,
Researcher
Bukhara State Museum-Reserve

THE HISTORY OF THE FORMATION OF THE BUKHARA NATIONAL COSTUME

ABSTRACT

The study of the history of national costume, which is an important component of material culture, reflects the factors that influenced the development of traditional costume. Detailed studies of the national costume, one of the original masterpieces of material culture, and restoration of its original samples will provide ground for more complete information about the period of the costume existence under study. As a historical and cultural object, a traditional costume reflects culture, way of life of every nation, revealing some elements of traditions, social relations, educational, religious and aesthetic forms of the nation. In this article the author considers the historical evolution of women's dresses.

Index terms: dress, tradition, shirt, local fabric, jewelry, sewing machine.

1. Долзарблиги:

Моддий маданиятнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган миллий либосларнинг тарихини ўрганиш анъанавий либосларининг эволюцияси, уларнинг тарихий даврлар кесимида ўзгариб боришига таъсир кўрсатган омиллар, либосларнинг миллий анъаналар ва ўзига хосликни сақлашдаги аҳамияти кўрсатиб берилиб, турмуш тарзидаги ўзгаришлар ҳамда уларнинг оқибатлари борасидаги маълумотлар умумлаштирилди. Шунингдек, олинган илмий натижалар тарих ва этнология, маданиятшунослик, этика ва эстетика фанларига оид методологик-услубий ёндашув ва назарий хулосаларни такомиллаштиришга хизмат қилади. Моддий маданиятнинг асл дурдоналаридан бири ҳисобланган миллий либослар мажмуини теран англаш ва уларнинг асл намуналарини қайта тиклаш ўрганилган давр ҳақида янада тўлароқ маълумот олишга асос бўлиб хизмат қилади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Анъанавий либоснинг шаклланишида ижтимоий-маънавий муҳит ва табиий-иқлим омиллари. Моддий ва маънавий ёдгорликлар ичида анъанавий миллий либослар халқларнинг миллий ўзига хослигини акс эттириб, этник белгиларини кўрсатувчи мезон ҳисобланади. Тарихий-маданий объект сифатида анъанавий либослар бирор-бир элат тарихига бориб тақаладиган анъаналар, ижтимоий муносабатлар, маърифий, диний ва эстетик шаклларнинг айрим унсурларини ўзида намоён этиб, ҳар бир халқнинг маданияти, турмуш тарзини акс эттиради. Шунинг учун ҳам, либослар кийиниш одоби, кийим-кечак халқ тарихи билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг этник тарихи ва маданиятини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Миллий либослар, хусусан, ўзбек аёллари анъанавий кийим-кечакларининг шаклланиши ва ўзига хослиги кўп асрлик тарихга эга [10.Б-55-68].

Айнан либос инсоннинг ижтимоий келиб чиқиши, унинг ўзига хос хусусиятлари, ёши, жинси, характери ва эстетик дидини намоён этади [7.Б-5]. Меъморий иншоотлар, меҳнат ва турмуш қуроллари сингари кийим ҳам маълум бир тарихий давр, мамлакатнинг табиий иқлим шароити, халқнинг миллий ўзига хосликлари ва унинг гўзаллик ҳақидаги тасавури ҳақида маълумот беради [7. Б-4].

Миллийлик санъатнинг ҳар бир соҳасида кузатилиб келинадик, улар тадқиқотнинг назарий асосларини бойитишга хизмат қилади. Ўзбек миллий кийимлари тўғрисида бир қанча адабиётларда келтириб ўтилган. Хусусан, П.А.Гончарова, Б.Чурсина, О.А.Сухарева, Н.П.Лобачева, М.Қ.Горелик, Н.Б.Немцева, М.А.Бикжанова, Т.Абдуллаев, Мухаммад Наршахи, С.Хасанова, Г.Хасанбоева, Д.Жабборова, Н.Содиқова, Ҳ.Исмоилов, З.И.Раҳимова, М.Б.Ўроқов каби олимлар томонидан ёзилган асарлар бизга жуда катта маълумотларни беради. Мавзуни ёритишда фақат битта манба билан чекланиб қолмасдан, бошқа манбалар киёсий ўрганилди ва олинган маълумотлар сараланди.

3. Тадқиқот натижалари:

Миллий кийимларни ўрганиш ҳозирги кунда ижтимоий ва маданий ҳаётимизнинг тараққиётида муҳим ўрин тутди. Кийим-кечаклар тарихига назар ташлар эканмиз, Бухоро воҳаси кийим-кечакларининг ноёб намуналари аҳоли ҳар бир тоифанинг ижтимоий аҳволидан келиб чиқиб тақдим этилганининг гувоҳи бўламиз.

Кўп асрлик тарихий амалиётда ҳар бир маҳаллий, этник ва ижтимоий гуруҳда либос ранглариининг ўзига хос тартиби, ўзининг эстетик диди таркиб топган. Кийим-кечакнинг умумий жиҳатлари билан бир қаторда ҳар бир ҳудуд матодан фойдаланиш, ранглари уйғунлиги, либос узунлиги, кенглиги ва ҳоказо жиҳатлар бўйича ўзига хос хусусиятларни касб этган. Анъанавий либослар мусулмонларнинг турмуш тарзига хос бўлиб, кийим-кечаклар ташқи муҳитда бўлган аёллар қиёфасини имкон қадар ташқаридан ёпиши керак бўлган. Ўзбек аёлларининг миллий либоси турли иқлим ҳудудларига мослашуви натижасида кийимнинг хилма-хил ўзгарган ва маҳаллий нусхалари вужудга келган. Ўтроқ-деҳқончилик жойларида қадимги тўкилиб турадиган кийим-кечак расм бўлса, кўчманчи-яйлов чорвадорлигида либос баданга ёпишиб турган.

Кийим-кечакка табиий-иқлим омилларининг таъсирида Ўрта Осиёнинг кескин континентал иқлимига кўплаб асрлар мобайнида мослашув натижасида кенг ва тўкилиб турадиган кийим-бош вужудга келган. У жазирама иссиқ шароитида соғлиқни ва ишчанлик қобилиятини сақлаб қолиш учун зарур бўлган сунъий микро-иқлимни ярата олган[2.С-50]. Йиллар давомида бир ҳудудий, этник, ижтимоий ва ёш гуруҳининг турмуш шарт-шароитлари ҳамда ҳўжалик юритиш тарзидан келиб чиққан ҳолда эркаклар кийими билан бир қаторда аёллар либоси ҳам тепадан пастга қараб кенгайиб бориши анъана тусини олди. Демак, миллий либосларнинг шаклланишида аҳолининг географик жойлашуви, иқлим шароитлари ва ҳўжалик-ҳаёт тарзи энг асосий омиллар сифатида таъсир кўрсатган.

Қадимдан Ўрта Осиёнинг дурдона шаҳри саналмиш Бухоро шарқ ва ғарбни боғловчи савдо йўллари чорраҳасида жойлашган бўлиб, бу савдодаги асосий буюмлардан бири шубҳасиз, карвон йўлининг номига бевосита алоқадор бўлмиш ипак матолар саналган. Ўрта Осиёга ислом дини кириб келгунга қадар Бухорода зардуштийлик – оташпарастлик, яъни оловга топинувчилар дини кенг тарқалган. Буни воҳа бўйлаб топилган археологик топилмалар ҳам тасдиқлайди. Маълумки, Ўрта Осиёда шу вақтда Варахша, Афросиёб, Болаликтепа сингари саройлар деворини улкан ҳажмдаги деворий тасвирлар бегаган.

Болаликтепа қасри деворларида тасвирланган аёлларнинг ташқи қиёфаси VI асрда эфталлар ҳукмдори ҳузурида бўлган будда қохинини ҳайратга солган сарой аёлларини эслатади. Унинг таърифлашича, ўша вақтларда эфтал маликалари жуда қимматбаҳо матодан тикилган, орқа этаги уч қулоч ва ундан ҳам узунроқ бўлган безакдор кўйлак кийганлар, унинг этагини эса махсус жориялар кўтариб юрганлар[1]. Шунингдек, бу кийимлар илк ўрта асрларда Марказий Осиёда мавжуд бўлган гулли матолар ҳақида тасаввур беради. Шунингдек, мазкур деворий суратларда акс эттирилган аёлларнинг либослари уларнинг жамиятдаги мавқеидан ҳам далолат беради.

Афросиёбдан топилган деворий тасвир қолдиқларида ҳам зодагон аҳолининг либослари орқали жамиятдаги юқори мавқеини кўриш мумкин.

Бухоро музей-қўриқхонасида намойиш этилаётган Варахша шоҳлар саройи Шарқий зал биносидан топилган деворий безак VII-VIII асрларга оид. Унда оловга сиғиниш жараёни тасвирланган. Мана шу деворий безак ишида тасвирланган 5 кишидан 1 таси аёл киши бўлиб (подшоҳнинг хотини), унинг кийимлари ва кийимидаги безаклар томошабинда алоҳида кизиқиш уйғотади. Масалан, оч сарғиш-қизғиш рангли матодан тикилган плаш кўринишидаги узун кўйлаги шахмат тахтасидек ҳолатда жойлаштирилган катта айлана шаклдаги безакли тасвирчалар билан жилоланган. Тасвирнинг юқори қисмида ёқаси очиқ ҳолатда аёлнинг бўйин безаклари маълум. Ушбу маълумотлар ва уларнинг аниқ тавсифлари археолог олим Шишкиннинг “Варахша” китобида тўлиқ берилган.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, X асрдаёқ Бухоро Ўрта Шарқнинг энг йирик тўқимачилик марказларидан бирига айланиб улгурган. Кейинги йилларда Ўзбекистон, Кавказ,

Ғарбий Европанинг айрим шаҳарларида ўтказилган археологик тадқиқотлар натижасида Бухоро яқинидаги Зандана қишлоғидаги тўқимачилик устахонасида тайёрланган мато намуналари топилди. Бу матолар фанда “занданачи” номи билан маълум. Бухоролик тарихчи Наршахийнинг маълумотига кўра: “Хуросоннинг бирорта шаҳрида бунчалик яхши газламалар тўқий олишмаган. Шуниси ҳайратланарлики, Бухоро тўқимачилари Хуросонга боришганда ана шу газламаларни ўзлари билан олиб боришган. У ерда тўқимачилик устахоналари очиб, газлама тўқишган, бироқ кўриниши ва сифати жиҳатдан улар Бухорода тўқилганларидан орқада эди...”. Эътиборли жиҳати бундай матолар Буюк Ипак йўлининг йирик шаҳарлари – Бағдод, Хуросон, Миср, Сурия, Византия каби ҳудудларига савдо мақсадида кўп миқдорда олиб борилган.

Аммо кейинги ўтган беқарор сиёсий вазиятлар туфайли Бухорода бошқа соҳалар қатори ҳунармандчиликнинг бу соҳасига жиддий зиён этади.

Кейинги даврлар ҳақидаги маълумотларни европаликларнинг Марказий Осиёга уюштирган илк экспедицияларидан бошлаб йиғилган материаллардан олишимиз мумкин. Масалан, XII асрда Мўғулистонга сафар қилиш асносида мазкур минтақада бўлган Марко Полонинг ёзишмаларида Марказий Осиё халқларининг бош кийимлари, ҳайвон терисидан ва жундан тикилган кийим-кечаклари, маҳаллий аҳолининг оёқ кийимлари, аёллар либосларидаги бичимлар ва бу бичимларнинг сабаблари тўғрисида қимматли маълумотларни учратамиз[3. С-75].

Кейинчалик, теурийлар даврида ҳам элчи Руи Гонзалес де Клавихо Марказий Осиёнинг бир қатор шаҳарларида шойи матолар ишлаб чиқарилганлигини қайд этади. XV аср бошида Амир Темур саройига келган Руи Де Гонзалес Клавихо Самарқандда икки йил яшаган ва маҳаллий аҳолининг ўша даврдаги кийимлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлган[8. С-293]. Мамлакатда Боку, Ҳиндистондан келтирилган матолар билан бирга расталарда маҳаллий усталар томонидан пахта толасидан тайёрланган ва турли ранглар билан бўялган матоларнинг сотилиши ҳақида ёзган.

XVI асрга оид ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, Бухорода тўқимачилик шаҳарнинг ривожланган тармоғи ҳисобланган[6. С-111].

Ўрта Осиёнинг йирик савдо ва сиёсий маркази бўлган Бухоро ҳақида жуда кўп маълумотлар мавжуд. Айниқса, унинг этнографик нуқтаи-назаридан ўрганиш хусусида кўпчилик илмий изланишлар олиб борган. О.А.Сухареванинг таъкидлашича, XIX аср биринчи ярмидан бошлаб муаллифлар бухороликлар ҳаёти тарихининг алоҳида масалаларини илмий таҳлил этишга ўтганлар[11. С-3]. Олимларнинг илмий асарлари ва кўпгина бошқа манбалар шуни кўрсатадики, Бухоро воҳаси аҳолисининг каттагина қисмини ўзбек ва тожиклар ташкил этади.

Бухоро воҳаси аҳолисининг анъанавий миллий либослари бошқа ҳудудларнинг миллий либосларидан фарқ қилган. Миллий кийим-кечаклар қуйидагича таснифланади: башанг (кишилик, тантанали кунлар кийимлари), кундалик ва иш кийимлари. Кийимлар бир тўплам бош-оёқ кийим (комплект) қилиб берилган, яъни, ички кийим, устки кийим, бош кийим, оёқ кийим ва кийим безакларидан иборат. Уларнинг шарқона услубда безатилган, миллийлик уфуриб турган матолари, кашталари, зебу-зийнатлари кўпчиликни лол қолдирган. Бухоро воҳаси либослари нафислигига қараб воҳа аҳолисини “Шарқ парижликлари” деб аташган[4. С-49].

Шу билан бирга, либосга қараб инсоннинг ижтимоий тоифаси ҳам яққол кўриниб турган: бой зодагонларнинг кийимлари; ҳунарманд шаҳарликлар кийимлари; қишлоқ меҳнаткашларининг кийими; маҳаллий зиёлилар кийими. Ўзбек халқининг кийим-кечаклари жуда хилма хил ва ранг-баранг бўлишига қарамай, бичими асосан бир хил бўлган. Мато ва ранг танлашда эса ҳар бир ҳудуд бир-биридан фарқ қилган. Бухороча кўйлақлар учун ҳар хил газламалардан фойдаланилган. Кийимлар асосан миллий йўл-йўл, сидирға ва гулли матолардан тикилган бўлиб, олди, этаги, енг учи ва ёқаси гулли жияклар билан ҳошияланган. Бу безак-жияклар кийимга зийнат ва эстетик гўзаллик бахш этган.

XX аср бошларида Бухоро воҳасидаги эркаклар кийимида анъанавий кўринишлар муҳим аҳамият касб этган бўлиб, кийимларнинг асосий қисми анъанавий қадимий бичимда тикилган ва турли ёшдаги эркаклар ҳамда болалар асосан миллий русумдаги кийимларни кийишган. Қолаверса, эркаклар кийимларининг асосий қисми уй шароитида маҳаллий тикувчилар томонидан тикилган. Бу даврда халқ анъанавий кийимларининг турлари, уларнинг тайёрланиш усуллари ва ҳатто кийиниш тарзи халқ хўжалигининг йўналиши ва этнос турмуш тарзига боғлиқ ҳолда шаклланиб борган. У ёки бу этник жамоанинг ҳаётидаги, умуман, турмуш тарзидаги ҳар қандай ўзгариш унинг кийим-кечакларида ҳам ўз аксини топган.

Бухоро воҳаси аёллар миллий либослари ҳам умумўзбек либослари сингари асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келган. Унинг шаклланиш жараёнига халқнинг турмуш тарзи ва ижтимоий шароити, бошқа халқлар билан ўзаро алоқалари бевосита таъсир кўрсатган. Аёлларнинг анъанавий кийим-бошлари - кўйлак, лозим, чопон, мурсак, тўн, камзул, нимча, паранжи-чачвон, хилма-хил рўмоллар, ранг-баранг дўппилардан иборат бўлган[9. Б-3]. Оёқ кийимлари эса бошмоқ ва чармдан қилинган калиш, шиппаклар киради. Аёлларнинг миллий кийим-кечакларидаги анъанавийлик кўпроқ кекса авлодга мансуб хотин-қизлар орасида, шунингдек, айрим ёш аёллар либосларида ҳам сақланиб қолмоқда. Умуман олганда, кундалик ва тўй маросимларда кийиладиган аёллар анъанавий либослари тикилиши жиҳатидан бир хил бўлган. Улар орасидаги бирдан-бир фарқ маросим кийимларининг ранги, матоси ва безакдорлигида эди. Аёллар ўзларига либос танлашда, албатта, матонинг рангига аҳамият беришган. XIX асрда Бухорода зардўзлик санъатининг гуллаб-яшнагани аёллар кийим-кечакларига зар кашталар билан безак бериш имкониятини яратган ва бу урф-одатдан ҳозиргача фойдаланилмоқда. XX аср бошларида Марказий Осиё халқларида бўлгани каби Бухоро воҳасида ҳам аёллар кийимларидаги умумийлик уларнинг кенг, узун, тўғри бичими ва содда кўринишга эгалигидир[5. Б-6].

Чор Россия ҳукуматининг Ўрта Осиёга юришлари даврида ўлкага янги бир шаклдаги аёллар кийими - камзул кириб келди. Камзул тор енгли, чуқур ўмизли қайтарма ёқали, баъзан белбандли, ён томонларида чўнтаги бўлган чопондир. Камзуллар кўпинча ёрқин рангли йўл-йўл беқасам, рангли бахмал, тукли духоба ва бошқа хилдаги матолардан тикилган.

XX асрда тикув машинкасининг кириб келиши тикув ишини анча енгиллаштирди ва ўз навбатида кенг имкониятларни яратди. Бу даврга келиб Европа кийим бичимининг худудимизга кириб келиши миллий либосларимиз бичимига ўзгартириш олиб келишига қарамай либосларимиздаги безак элементлари сақланиб қолинди. Камзул ҳам шу турдаги либослардан бири бўлиб, у калтачанинги ўрнида қўлланила бошланди. Камзул калтачага нисбаттан ихчамроқ, енглари торроқ ва узунлиги ҳам калтароқ бўлгани учун кийиб ҳаракатланишда бирмунча қулайроқ эди. Рус-татар услубидан олинган бу либос устки кийимнинг замонавий тури бўлиб, қўшимча чоклар билан орқа, ён ва елка қисмлари алоҳида уланган. Шунинг учун у халқ орасида тез оммалашган.

Аёллар кийим-кечагининг нафислиги, уларнинг хилма-хил ва гўзал бўлишига моҳир ўзбек заргарлари томонидан тайёрланган зеб-зийнатлар ҳам янада кўрк қўшиб турган. Бухоро воҳаси анъанавий, миллий кийим-кечакларининг ажралмас қисми тақинчоқлар бўлган. Қиз-жувонлар, момо-ю, бувилар, албатта, ўз ёшларига муносиб тақинчоқлар тақадилар. Тақинчоқлар тақиш ҳам ҳар бир миллат маданияти таркибига кирадиган умрбоқий удумлардан биридир. Кийиниш одати сингари тақинчоқ тақиш одати ҳам инсоният пайдо бўлиб, такомил топиб бизнинг кунларимизгача етиб келгунга қадар унга бир умрлик ҳамроҳ сифатида ривож топиб ранг-баранглашиб келмоқда.

4. Хулосалар:

Бугунги кунда Бухоро замонавий кийимларида юқорида қайд этилган анъанавий либосларимизнинг янгиланиб, ўзгартирилган шакли намоён бўлмоқда. Хусусан, кийим-кечаклар бичим андозаси янгиланиб бош кийим ва зеб-зийнатларда қадимий анъаналардан фойдаланиш шакллари кўзга ташланади. Миллий қадриятларимиз кундан-кунга тикланиб бориши натижасида анъанавий, миллий либос ва тақинчоқларга қизиқиш ва талаб ошиб бормоқда. Шунга мувофиқ, Бухоро воҳасининг анъанавий, миллий либос ва

тақинчоқларининг эволюцияси ва трансформациясини тадқиқ қилиш илмий ва амалий жиҳатдан долзарблиги ошиб бормоқда.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Альбаум Л.И. Балалык-тепа: К истории материальной культуры и искусства Правобережного Тохаристана Ташкент.: Фан. 1960 г (Albaum L.I. Balalyk-tepa: On the history of material culture and art of the Right-bank Tokharistan Tashkent.: Fan. 1960)
2. Калмыков П. Е. Методы гигиенического исследования одежды. - Л.: Медгиз, 1960. - С. 50 (Kalmykov P. E. Methods of hygienic research of clothes. - L.: Medgiz, 1960. - S. 50)
3. Книга Марко Поло - М. Географгиз, 1955. -С 75 (The book of Marco Polo - M. Geografgiz, 1955. -S 75)
4. Курбанов Ғ., Джумаев Қ. Музей традиционной народной одежды Бухары//Из истории культурного наследия Бухары № 2 Бухара 1994г С-49 (Kurbanov G., Dzhumayev K. Museum of traditional folk clothes of Bukhara // From the history of the cultural heritage of Bukhara No. 2 Bukhara 1994 С-49)
5. Лобачева Н.П. О некоторых чертах региональной общности в традиционном костюме народов Средней Азии и Казахстана//Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. М. 1989г С-6 (Lobacheva N.P. About some features of the regional community in the traditional costume of the peoples of Central Asia and Kazakhstan//Traditional clothing of peoples of Central Asia and Kazakhstan. М. 1989 S-6)
6. Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI веке. Ташкент, 1976., С. 111 (Mukminova R.G. Essays on the history of crafts in Samarkand and Bukhara in the 16th century. Tashkent, 1976., S. 111)
7. Рахматуллаева Д., Ходжаева У., Атаханова Ф. Либос тарихи. - Тошкент: 2015. - Б. 4 – 5 (Rakhmatullaeva D., Khodjaeva U., Atakhanov F. Libos tarihi. - Tashkent: 2015. - B. 4 – 5)
8. Руи Гонсалис Де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406 гг.) Перевод, предисловие и комментарии И.С. Мироковой. М.: Наука. 1990. С-293 (Ruy Gonzalez De Clavijo. Diary of a journey to Samarkand to the court of Timur (1403-1406) Translation, preface and comments by I.S. Mirokova. М.: Science. 1990. S-293)
9. Содикова Н. Ўзбек миллий кийимлари XIX-XX асрлар Т.:Шарқ 2003й Б-31 (Sodikova N. Uzbek milliy kiyimlari XIX-XX asrlar T.: Sharq 2003 B-31)
10. Содикова Н. Ўзбек миллий кийимлар. XIX-XX асрлар. - Тошкент: Шарқ, 2007. - Б.55-68 (Sodikova N. Uzbek Milliy Kiyimlar. XIX-XX asrlar. - Tashkent: Sharq, 2007. - B.55-68)
11. Сухарева О.А. Бухара XIX начало XX в.(Позднефеодальный город и его население) М. 1966 г С-3 (Sukhareva O.A. Bukhara XIX - early XX century (Late feudal city and its population) М. 1966 С-3)

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 8

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000